



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic
**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ПАРЕМИЯЛАРИДА ФИТОНИМЛАРНИНГ АКСЕОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Эрданова Севара,

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Тошкент молия институти

DOI 10.5281/zenodo.4963448

Аннотация: Такдим этилган тезисда ўзбек ва инглиз халқ оғзаки ижодидаги фитопаремияларнинг аксеологик функциялари тўғрисида умумлаштирилган хулосалар чиқарилиб, уларга тегишли тамойилар аниқланган. Шунингдек, фитопаремиялар умумбашарий маънавий қадриятларни акс этишда муҳим ўрин тутиши ва уларнинг аксеологик функциялари аниқланган.

Калит сўзлар: фитопаремия, фольклор, аксиологик тушунчалар, паремиялар

Ўзбек ва инглиз фольклори ўзига хос миллий қадриятларнинг акс этилиши ва шу билан бирга умум башарий жиҳатлари билан ажралиб туради. Ҳар икки халқнинг оғзаки ижоди тизимида мақол ва маталлар ҳаётни ангалаш, ундаги донноликни акс этиш ва бу аксиологик ҳолатларни халққа етказиш билан ажралиб туради. Асралар давомида бу ҳолат халқнинг бадий тафаккури асосида ривожланиб, миллий манавият ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шундай экан ўзбек ва инглиз халқ оғзаки ижод аънаналари бадий жиҳатдан бой ўзига хос мақол ва маталларнинг юзага келишига асос бўлиб келган.

Икки халқ мақол ва маталларнинг компротивистик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг бадий структурасида ўхшаш ва фарқликлар мавжудлиги ва уларда ҳар бир халққа хос бўлган аксиологик (аксиология – грекча *axia* қадрият, *logos* таълимот) тушунчалар акс этганлиги кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки,

бугунги кунда ўзбек ва инглиз паремиялардаги мазмунан ўхшаш ва фарқ аксиологизмлар кенг ўрин олган.

Бизнинг фикримизча, паремияларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг қурилишида иштирок этувчи унсурлар, яъни фитонимлар, оронимлар, стратонимлар ва бошқа бир қатор онимларнинг бадий-стилистик ва семантик функцияларидан келиб чиқиб, фитопаремия, стратопаремия космопаремия ва бошқа шу каби тушунчаларни қўллаш терминларнинг янада деверсификациялашга ёрдам беради

Ўзбек ва инглиз фитопаремияларнинг таҳлилидан келиб чиқсак, уларда бир неча микро мотивлар асосида яхлит маъно ифода этилади. Фитопаремияларда акс этилган бош маъно унда иштирок этувчи фитонимлар мазмунидан келиб чиқиб яхлитланади. Аксарият фитопаремияларда кўчим етакчилик қилиши халқнинг бадий таффақўри нақадар теран эканлигидан далолат беради. Фитопаремияларнинг сифатий кўрсаткичлари асосида умумий аксеологик мазмун шаклланади. Натижада фитопаремиологик аксеологизмларнинг таснифлаш тамойилларини яратиш имконияти туғилади. Фитонимлар иштирок этган ўзбек ва инглиз паремиялардаги аксеологик мазмун ўз семантик майдонларига эга бўлиб, уларнинг чегаралари бир вақтнинг ўзида мос келиши ва фарқланиб туриши мумкин.

Таркибида фитонимлар иштирок этган ўзбек ва инглиз паремияларида куйидаги аксеологик мазмун мавжуд эканлигини кузатиш мумкин:

1. Ҳаёт фаровонлиги меҳнатга боғлиқ эканлигини тасдиқлаш.

He that would eat the fruit must climb the tree (Сўзма-сўз таржимаси: Ким мева егиси келса, дарахтга чиқиши лозим).

Ўзбекча версияси: Жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чикмасанг, дўлона қайда.

2. Ўхшатиш. Кишига таъриф бериш.

As the tree, so the fruit. (Сўзма-сўз таржимаси: Дарахт қандай бўлса меваси ҳам шунга ухшаш).

Ўзбекча версиялари: Буғдойдан – буғдой, арпадан – арпа.

Олма олмадан ранг олар.

3. Ижтимоий-маиший муносабатларнинг боғлиқлиги.

Just as the twig is bent, the tree is inclined (Сўзма-сўз таржимаси: Шох қаерга эгилса, дарахт ҳам уша томон букилади).

Ўзбекча версияси: Теракка қараб, тол ўсар. онага қараб, қиз ўсар.

4. Тарбия жараёнининг қайд этилиши.

Tall oaks from little acorns grow / every oak has been an acorn

(Сўзма-сўз таржимаси: Катта нарса кичик нарсадан ўсади / эман дарахти ҳам бир пайти уруғ бўлган).

Ўзбекча версиялари: Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил. Эгри бутоқни ниҳолида тобини ол.

5. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ этикет чегара меъёрларининг акс этилиши.

Put not your hand between the bark and the tree (Сўзма-сўз таржимаси: Дарахтнинг пустлоғи ва танасининг ўртасига қўлингни тикма. Маъноси: Бировнинг оилавий ишига аралашма).

Ўзбекча версияси: Ҳар меванинг пўчоғи бор, ҳар сўзнинг ўлчови бор.

6. Ҳаёт машақатлигининг берилиши.

Life is not a bed of roses (Сўзма-сўз таржимаси: Ҳаёт атиргуллардан ясалган тушак эмас).

Life is not a bed of roses (Сўзма-сўз таржимаси: Ҳаёт атиргуллардан иборат гулзор эмас).

No garden without its weeds (Сўзма-сўз таржимаси: Курмаксиз боғ бўлмайди).

Ўзбекча версияси: Гуруч курмаксиз бўлмайди.

No rose without a thorn (Сўзма-сўз таржимаси: Тикансиз атиргул бўлмас).

Ўзбекча версиялари: Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз - ҳунар.

Гулнинг ҳам тикани бор.

Қайд этиш лозимки, ўзбек ва инглиз фитопаремияларда аксеологик мазмуннинг ифодалашда ўзаро уйғунлик кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар икки халқ ҳаётдаги ижтимоий-маиший муносабатларни акс этишда бир хил умумбашарий универсал бадиий таффақурга муружаат этганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Дандес А. Фольклор: семиотика и / или психоанализ: Сб. ст. / Пер. с англ. А.С.Архипова, А.В.Давлетшина, А.В.Козьмина и др., Сост. А.С.Архипова. -М.: Вост. Лит., 2003. -279 с.
2. Неклюдов С.Ю. Фольклор: типологический и коммуникативный аспекты // Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика. <http://www.ruthenia.ru/folklore/neckludov15.htm>
3. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. -М.: Азбуковник, 1999. -944 с.
4. Путилов Б.Н. Фольклор и народная культура. -СПб.: Наука, 1994. -239 с.
5. Толстой Н.И. Язык и народная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. -М.: Индрик, 1995. -512 с.